

Юнусжон АХМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик
хизмати “Темурбеклар мактаби” ҳарбий
академик лицейи, Турон Фанлар академиясининг
фахрий профессори
akhmedov.yunusjon2301@gmail.com

АМИР ТЕМУРНИНГ МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИККА ОИД ҚАРАШЛАРИ

ВЗГЛЯДЫ АМИРА ТЕМУРА ПО НАЦИОНАЛЬНОЙ И РЕЛИГИОЗНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ

AMIR TEMUR'S VIEWS ON NATIONAL AND RELIGIOUS TOLERANCE

Аннотация: Миллатлараро ва динлараро муносабатлар илдизи ўта қадимий бўлганлиги учун бугунги кунда уларни тарихини ўрганиш, миллий ва диний низоларни олдини олиш, миллий ва диний бағрикенглик тарбияси ўта долзарб масала сифатида қолаётганлигини рад этиб бўлмайди. Ўрта асрлар Шарқида улкан империяни бунёд этган Амир Темур давлати миллий ва диний нуқтаи назардан ранг-баранг бўлган. Шундай улкан давлатда турли диний қарашларга, миллий урф-одатларга эга халқлар қандай яшаган, улар ўртасидаги муносабатлар қандай тартибга солинган, ҳукмдор Амир Темурнинг ўзи бу масалада қандай ёндашувга эга бўлганлиги масаласи мақолада муайян даражада ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: Соҳибқирон, салтанат, давлат бошқаруви, мамлакат хавфсизлиги, тузуқлар, мусулмонлар, диний бағрикенглик, миллий бағрикенглик, ижтимоий барқарорлик, урф-одатлар.

Аннотация: Корни национальных и религиозных отношений уходят в древность, из-за этого актуальность изучения истории национальных и религиозных отношений, предотвращение национальных и религиозных конфликтов, воспитание у молодого поколения национальной и религиозной толерантности постоянно возрастает. В средневековом Востоке Амир Темур создал огромную империю, в составе которой жили разные народности с разными

религиозными верованиями. Вопрос о том, как жили в этой стране разные народности с разными языками, религиозными верованиями и традициями, как контролировали их взаимоотношения, какой позиции по этому вопросу придерживался сам Амир Темур как правитель, было в определенной степени изучено в статье.

Ключевые слова: Сахибкиран, империя, государственное управление, государственная безопасность, уложения, мусульмане, религиозная толерантность, национальная толерантность, социальная стабильность, традиции.

Annotation: Since the roots of interethnic and interreligious relations are so ancient, it cannot be denied that today the study of their history, the prevention of national and religious conflicts, and the education of national and religious tolerance remain a very important issue. The state of Amir Temur, who built a huge empire in the Middle East, was diverse from a national and religious point of view. The article discusses how peoples with different religious views and traditions lived in such a huge country, how relations between them were regulated, and how the ruler Amir Temur himself approached this issue

Keywords: Sahibkiran, sultanate, public administration, state security, rules, Muslims, religious tolerance, national tolerance, social stability, customs.

КИРИШ

Амир Темур жаҳон тарихининг буюк намоёнларидан бири бўлиб, давлат арбоби ва буюк саркарда сифатида ўзининг давлат тутиш ва салтанат қуриш бобидаги қарашларини бир неча тузуқка жамлаб фарзандларига, авлод ва зурриёдларига қолдириб ҳар бирлари уларга мувофиқ иш юритишларини ёзиб кетган. Тузуқларни мутолаа қилиш жараёнида Соҳибқироннинг мураккаб сиёсий жараёнлар амал қилаётган даврда ҳокимиятни қўлга киритиб, марказлашган давлатни барпо этганлиги, ўз давлатида адолат тамойилларини устувор бўлишига эришганлиги, бунинг натижасида мамлакат ҳудудида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг барқарорлиги таъминланганлиги ҳақидаги фикру мулоҳазаларига гувоҳ бўламиз. Салтанат тўнини қийгач, ўз тўшагида роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, ранжу меҳнатлар тортиб Эрон, Турон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, Ироқи араб, Ироқи аҷам, Мозандарон, Ғилон, Ширвон, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Жета Дашти,

Дашти Қипчоқ, Хоразм, Хўтан, Кобулистон, Бохтарзамин, Ҳиндистон мамлакатларига подшоҳ бўлиб ҳукм сурган Амир Темурнинг диний ва миллий ранг баранглик амал қилган давлатни қандай бошқаргани, унда ижтимоий барқарорлик муҳитига қандай эришганлиги кўпчиликини диққатини жалб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Дарҳақиқат, Амир Темур салтанатида муслмонлар билан биргаликда насронийлар, ҳиндуийлик, яҳудийлик, буддавийлик динларининг вакиллари, ўзларининг маҳаллий ибтидоий динларини сақлаб қолган халқлар, турли тилларда сўзлашувчи, урф-одатлари бир-биридан кескин фарқ қилувчи аҳоли гуруҳлари истиқомат қилган. Уларни ўртасидаги ижтимоий барқарорликка салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтирган Соҳибқирон куч ва зўравонлик билан эришмаганлиги табиий.

Амир Темур тузган давлат турли урф-одатлар, халқлар, диний қарашдаги одамлар яшайдиган ўзига хос халқлар конгломератидан иборат эди. Шунинг учун улуғ салтанат тузиш ва уни бошқаришни орзу қилган Темур ўз мамлакатининг таркибий қисмига кирувчи барча ҳудудлар табиати, турли эл ва шаҳарларнинг расму-одатларига ҳурмат билан қараган, бағрикенглик намунасини кўрсатган, ўша жойларнинг халқини ўзига хослигига, бошқа халқлардан фарқ қилиб турувчи алоҳида хусусиятларига писандсизлик билан ёндошмаган. Натижада мамлакатни этник барқарорлигини ҳам таъминлашга эришган. Салтанат таркибидаги бирор халқ, алоҳида ижтимоий гуруҳ ёки тоифаларни бошқариш ишига ўзлари тилаган одамларни ҳоким қилиб тайинлашни маъқул кўрган.

Ўз давлати ва салтанатига боғлаган биринчи тузукида дину шариатга ривож бергани, ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қўллаб-қувватлаганини айтган Соҳибқирон исломий қоида ва анъаналарни чуқур билиш билан бирга уларга қатъий амал қилган. Муқаддас динимизнинг барча қоидалари эса динлар, халқу миллатлар орасига ихтилоф солишни қоралайди. Жумладан, Қуръони каримдаги “Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-

инилардирлар!”, (“Ҳужурот” сураси, 10 оят) деган қоидадан хабардор Темур давлатчиликини бошқаришда уларга ҳар томонлама риоя қилган. У салтанат куриш ва давлат тузишда риоя қилган тўққизинчи тузукида ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мижозидан воқиф бўлиб турганлигини, ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳлининг ашроф-улуғлари билан дўст тутинганлигини алоҳида қайд этади [4:77].

Амир Темур ўз давлати таркибига қўшиб олган ҳудудларнинг аҳолисини урф-одатлари ва анъаналарини ўрганган, унинг хулосалари кейинчалик бу ҳудудларни бошқаришда табиийки унга катта ёрдам берган. Жумладан, “Турон мамлакатининг аҳолисини баъзилари турк ва бир жамоаси тожик, бир гуруҳи араб ва арабзодалардир. Бани Умайя замонида Самарқанд фатҳ бўлиб, неча араблар Турон заминга келиб туриб қолдилар. Уларнинг авлод ва наслларидан қишлоқ ва мавзелар обод бўлиб, бу уч тоифанинг авлод ва наслларидан Турон замин маъмур ва ободон бўлгандир. Бу жиҳатдан у диёр аҳли ҳам сипоҳийдурлар, ҳам раият, ҳам шайх ва ҳам хожа. Одамлар гапидан эшитиб, таниб орттирган тажрибам шу бўлдики, улар қўзғолган пайтда қўшин ва фаровон турмуш замонида раият бўладилар”, дея бу тарихий минтақа ҳақида ўз фикрларини баён этган[5:259].

Амир Темурнинг мамлакатнинг барча минтақасидаги аҳолининг урфу одатларига қизиққанлиги, уларнинг табиати ва мижозидан бохабарлиги бошқарув жараёнида унга жуда ҳам қўл келган. Масалан, унинг Хуросон аҳолиси ҳақида айтган фикрлари ҳам киши диққатини жалб этади. “Хуросонни қўлга олгач, бу диёр одамларининг табиатларини назарга олиб, мижозларига мувофиқ яшадим. Иззатли ва азаматли фарзандлар, ҳурматли амирлар ва буюк мақомли доруғалар билгайларким, Хуросон ўлкасининг қўшин ва раият, улуғ ва кичикларининг авзойи ва хулқ-атворидан орттирган тажрибам шуки, бу диёр аҳолисининг мижози мўътадилга яқиндир ва бу вилоят одамлари ҳар нечаки ташқи кўринишдан дарвишдурлар, аммо ички дунёси бойдир” [5:260].

Форс ҳудудига нисбатан ҳам Амир Темурнинг муносабати диққатга сазовордир.

Унинг фикрича, “Форс илм маъданидир. Бу ернинг аҳли ҳаммаси худоталаб дарвиш, содда табиатли. Саййид ва аҳли риёзат бўладилар. Улуғлари ёшларнинг ишини қиладилар. Бу мулкда маърифат ва кашф арбоби ва савдойилар кўп бўлади. Базм ва размда ўз саломатлигини эҳтиёт қиладилар. Саломатлик кўчасини истарларким, ўзларини саломатлик билан манзилга етказадилар. Ҳеч бир сабабсиз кўнгиллари ранжийди ва тез хушҳол бўладилар. Улар билан худди муаллим шогирдига муомала қилгандай йўл тутиш керак ва мурсою мадора билан иш тутсинлар” [5:262].

“Ҳар мулк ва мамлакатнинг беклари, улуғлари, бошлиқ – оқсоқолларини хурматладим, уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим” [4:92], деган Соҳибқироннинг ўзи давлатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан айнан диний ва миллий барқарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканлигини чуқур англаб етган. Низомиддин Шомийнинг ёзишича: “Йиллар эмас, балки асрлар давомида ҳеч кимсага бўйсунмаган Гилон маликлари ҳам бўйсундирилгандан кейин улар итоат қилиб Соҳибқиронга бўйин эгдилар, мол юбордилар ва хирож тўлашни қабул қилдилар ҳамда амонлик сўрадилар. Амир Соҳибқирон уларнинг узрини қабул қилиб, хатоларидан кечди. Суюрғол ва сарполар бериб, эҳсонига сазовор этди” [10: 113].

Амир Темур саройига келиб чиқиши турли минтақаю-худудлардан бўлган, одатлари бир-биридан фарқ қилувчи, ҳар хил тилларда сўзлашувчи олимлар, тарихчилар, муҳаддислар, хунарманд усталар келиб-кедиб туришган, уларга бирдек иззат-икром кўрсатилган. Соҳибқирон олиб борган одилона сиёсат Ўрта Шарқда яшовчи турли тилларда сўзлашувчи, ҳар хил диний мазҳабларга мансуб халқларни бирбирига душманлик кайфиятидан халос қилди, уларнинг анъаналари, санъат ва маданияти яқинлашувини таъминлади [6:59]. Кўриниб турибдики, Соҳибқирон ўз салтанатини этник барқарорлиги ижтимоий барқарорликка асос бўлишини англаган ҳолда барча фуқароларга адолатли муносабатда бўлишликни, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлигини, унинг мамлакатада тўра-тузукларга риоя қилиб

яшаб, қонунларни бузмаган барча фуқаролар миллий, диний, этник мансублигидан қатъий назар эмин-эркин яшаб келган.

Соҳибқирон ўз фаолияти давомида бирор бир худудни босиб олса, дастлаб ўша мулкни ўз ҳокимига топширишга ҳаракат қилган, улардан одиллик, омилкорлик билан сиёсат юргизишни талаб қилган. Натижада мамлакатда турли халқлар ва диний қарашлар, урф-одатлар вакиллари яшашига қарамай умумий барқарорлик таъминланган [5: 239].

Амир Темур кўшини мамлакат хавфсизлигини таъминлашга, унинг худудий яхлитлигини сақлаб қолишга, салтанат душманларига қарши курашга бутун жидду жаҳди билан киришган. Лашкар сафи асирга тушиб, чин дилдан тавба-тазарру қилиб, Темур қошига паноҳ истаб келганлар ҳисобига ҳам кўпайган. Шунинг учун Амир Темурни лашкари таркибида бутпараст турклар, оловга сажда қилувчи мажусий ажаллар ҳам бор эди [7:96].

Соҳибқирон ўз даврига нисбатан анча илғор фикрловчи, сиёсий нуқтаи назардан прогрессив, гуманист ҳукмдор эди. Ўрта асрлар шароитида кучли ҳукмдорлар томонидан бирор худуд ва ўзга диёрлар босиб олинган ҳолатда маҳаллий аҳолини ҳуқуқ ва эркинликлари деярли ўйланмас, улар мутеъ кишилар сифатида ғолиб томоннинг амру-фармониغا сўзсиз бўйсунушлари, ўз тақдирлари ўзгалар ҳукмига ҳавола қилинганлиги билан ҳисоблашишга мажбур қилинган. Амир Темур эса аксинча мамлакат худудидаги бошқа миллатлар ва халқларга муросасозлик, тоқатлилиқ сиёсатини юргизган. Набираларининг тўйлари муносабати билан Самарқандда халқ учун берилган тантаналарда турли миллат вакиллари иштирок этганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин: “Оламнинг турли тарафларидан йиғилган, тиллари ва кийимлари бир-бирларидан фарқли ҳар қайси мамлакат созандалари, ҳар бир иқлимнинг санъат аҳлларию хунар соҳиблари гурух-гурух бўлишиб, ҳар диёрнинг ўзида расм ва одат қилинган зеб-зийнат буюмлари, тақинчоклари, кийим-кечак ва матолари билан ясаниб, ўзларига оро бердилар. Хушнағма созандалар ва хушовоз хонандалар форс тариқасида, ажам тартибида, араб коидасида, турк йўсинида, мўғул аёлғусида,

хитой русумида, алтой услубида соз чалмоқ, ашула айтмоқ ва оҳанг боғламоқ ила машғул эдилар”[10:393].

Низомиддин Шомийнинг ёзишича турли миллат санъаткорларининг ажойибу ғаройиб чиқишларини мароқ билан тинглаб, тамошо қилган Соҳибқирон иштирокчиларга қарата шундай деган экан: “Тенги йўқ Тангри ва ранг-баранг оламнинг эгаси рубъи маскундаги мамлакатларнинг ихтиёр жоловини бизнинг кудрат чанғалимизга тутқазган ҳамда жаҳоннинг куруқлигию сувларидаги барча махлуқотни бизнинг амримизга бўйсундирган экан, оламини ёритувчи офтоб мисоли, узоқ ва яқинни бир хил билиб, барча давлатлар ва миллатлардаги, кучли ва заиф, фақир ва шариф, катта ва кичик – ҳаммасини ўз марҳаматимиз ҳимояси ва шафқатимиз соясида бир хил кўришни, ҳар бир кишини ўз мавқеига қараб бу буюк давлат маҳсулидан баҳраманд этишимизни шарт қилиб қўймиш” [10:395]. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Амир Темур ўзининг тасарруфидаги мамлакатларда миллати, ирки ва диний қарашларга нисбатан адолатли сиёсат юргизган, турли минтақаларнинг тили ва маданиятига ҳурмат билан қараган.

Соҳибқирон ўз юртининг давлатчилик қоидаларининг давомчиси сифатида турли минтақаларда шаклланган туркий, муғул ва форсий бошқарув анъаналаридан фойдаланишга интилди, давлатчиликни турли ижобий қоидаларини мувофиқлаштириш йўлидан борди, давлат бошқаруви институтларида ўтроқ ва кўчманчи аҳоли маданияти акс этгани, ҳар икки тоифа аҳоли маданий анъаналари давлатчиликка сингдирилганлиги боис, бу тадбирлар салтанатни мустаҳкамлашга катта таъсир кўрсатган. Демак бошқарувда ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг диний, миллий, минтақавий ва этник манфаатлари ўз аксини топган[14:39].

Амир Темурнинг бошқа халқлар миллий ва диний қадриятларига ҳурмат билан қараганлигини венгер шарқшунос олими Ҳерман Вамбери ҳам ёзиб қолдирган. Темур ўз салтанат тахтини қанчалик инқироз ва харобаликка учраган хонадонлар ҳамда мамлакатлар заминига қурган бўлса, уларнинг барчасидаги урф-одатлар ва маросимларни ўз саройида тўплади ва тараққий эттирди [16:34].

Амир Темурнинг миллий ва диний бағрикенглик сиёсати забт этилган мамлакатларда турли миллий ва диний қарашлардан иборат халқларни ягона маконга бирлаштирди, оқибатда иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ривожланиши билан бир қаторда, савдо йўллари раванқ топди, Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ халқлари маданиятининг юксалиши учун ҳам барча зарурий шароитлар вужудга келди [9:53].

Амир Темур ҳукмронлиги даврида жуда катта минтақада Буюк Ипак Йўлида савдо-сотик муносабатларини ривожланиши кўзга ташланади. Унинг салтанати пойтахти Самарқандга дунёнинг турли бурчакларидан турли тилларда сўзлашувчи ва турли диний қарашларга эга савдогарлар ҳар хил моллар келтиришган, пойтахт шаҳарнинг ўзи эса Осиё савдосида улкан мол омборига айланиб қолган. Буюк Ипак йўли савдони ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиш билан бирга, давлатлар муносабатини яхшилаш, янада ривожлантириш, илм-маърифат, маданият дурдоналари ва давлатчилик асосларини ривожлантириш ва янада мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Амир Темур Буюк Ипак Йўлини мамлакат учун иқтисодий ва маданий аҳамиятини чуқур англаган ҳукмдор сифатида ҳам бу йўл кесиб ўтадиган минтақаларнинг барчасида қайси халқ, дин ёки мазҳаб вакили бўлишидан қатъий назар алоқаларнинг боришини мустаҳкамловчи барчага етарли шарт-шароит яратилишини тарафдори бўлган.

Испаниялик элчи Руи Гонсалес де Клавихо “Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги” асарида Самарқанднинг бойликларини тасвир этар экан бу ерга бир юз эллик мингдан ортиқ аҳоли бошқа юртлардан олиб келинганлиги, булар орасида турк, араб, мавр ва бошқа элатлар, насроний арман, католик юнонлар, наскоринлар, яқобитлар ва ўтга топинувчи ўзига хос мазҳабдаги насронийлар ҳам бор эди, деб маълумотларни ёзиб қолдирган [11:200].

Амир Темурнинг салтанатни ободончилиги, иқтисодий ривожланишидаги қўллаган тадбирларида ҳам унинг миллий ва диний бағрикенглик сиёсати тарғиботчиси бўлганлигини кўришимиз мумкин. Амир Темур забт этган мамлакатларида ҳам

бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, бир қатор шаҳарларни қайта тиклади. Жумладан, 1258 йил муғуллар томонидан вайрон қилинган Ироқ пойтахти Бағдодни, Дарбанд, 1221 йилда муғуллар истилоси даврида вайрон қилинган Аракс ва Кура дарёлари бирлашадиган ерга яқин бўлган шаҳар – Байлаконни (1403 йил) шулар қаторига киритиш мумкин.

Бозорлар, тимлар, масжиду мадрасалар Мовароуннахрдан ташқари, Хуросон, Эрон ва бошқа ўлкаларда ҳам бунёд этилган. Масалан, “Зафарнома” муаллифи Шарофиддин Али Яздийнинг ватани Яздда Амир Темур олий девонининг вакили “Дорул фатх” номи билан машҳур бир тим қурдирган экан. Бундан ташқари Амир Темур томонидан Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, 1389-1395 йилларда Туркистонда машҳур шайх Хожа Аҳмад Яссавий қабри устига макбара қурдирилган [12:166].

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро низолар кескинлик кучайиб бораётган, миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтараётган ва бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланаётган мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада буюк Соҳибқироннинг миллий ва диний бағрикенглик қарашларига ҳамоҳангликни асрлар ўтиб мустақил Ўзбекистоннинг сиёсатида ҳам ўз ифодасини топаётганлиги жуда қувонарлидир.

Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч ва ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда, 16 та диний конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда, давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда. Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 137 та миллий маданий марказ етакчи роль ўйнамоқда. Улар ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, халқ ҳунармандлигини ривожлантириб,

турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, ҳар биримизда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Турли миллатлар вакили бўлган 14 нафар Ўзбекистон фуқароси Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвонга муносиб деб топилган.

Бундай миллий ва диний барқарорлик асосида аввало Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унга таяниб қабул қилинган инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоясига қаратилган барча нормаларда миллий ва диний бағрикенглик ўз аксини топганлигидир [1:5]. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи қисмида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашни асосий мамлакатимиз сиёсатининг асосий йўналиши эканлигини белгилаб берилган [2:2]. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хавфсизлиги хизмати тўғрисида”ги янги қонунинг 5-моддасида ҳам давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи миллий, этник ва диний адоватни тарғиб этишга қаратилган бузғунчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга барҳам беришга алоҳида эътибор қаратилган [3:1].

Мамлакатимиз полиэтник давлат сифатида кўпмиллатлиликини ўзининг том маънодаги бебаҳо бойлигига айлантира олганлигини, халқимизнинг эса ўзининг бетакрор бағрикенглик хусусиятларини намоён этаётганлиги кўплаб сиёсатчиларни ҳайратга солади. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, “Янада огоҳ ва сергак бўлиш, энг асосий бойлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўп миллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жиғислигини кўз қорачиғидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир” [13:299].

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Амир Темур ўз давлатида миллий ва диний ранг-барангликни мамлакат равнақи учун унумли фойдаланган ҳукмдор саналади. У мамлакати таркибига кирган барча минтақалардаги турли

диний қарашлар ва миллий бирликларнинг қадриятларига, анъаналарига, урф-одатларига ҳурмат билан қараган, уларни ривожланиши учун имконият яратган, уларнинг барчасини ўз давлатини фуқаролари қаторида кўриб бошқарув жараёнида уларни анъаналари билан таниш бўлган маҳаллий ҳукмдорларни имкониятларидан фойдаланишга интилан. Ҳукмдор сифатида агар бундай ранг-баранг диний ва миллий бирликка эга давлатда оқилона миллий ва диний сиёсат юргизмаганида давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарор ривожланишига эриша олмасди, унинг сиёсий бир бутунлигини таъминлай олмасди. Темурнинг диний ва миллий бағрикенглик сиёсати оқибатида жуда катта минтақада Буюк Ипак йўлида савдо-сотик, маданий ва ижтимоий алоқалар тикланди, унинг ривожланиши янги босқичга кўтарилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 80 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/3107036> 22.09.2021
3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелда қабул қилинган “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-471-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/3610935>
4. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 594 б.
5. Темур тузуклари. Форсча матндан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 184 б.
6. Амир Темур Кўрагон. Темур қиссаси (“Қиссаи Темурий”, “Темур эсдаликлари”, “Малфузоти Темурий”), – Тошкент: Фан, 2004. – 270 б.
7. Муқимов З. Амир Темур тузуклари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). – Самарқанд: СамДУ, 2008. – 242 б.
8. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Тошкент: Мехнат, 1996. – 326 б.
9. Льюсен Керен. Амир Темур салтанати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 248 б.
10. Льюсен Керен, Акмал Саидов. Амир Темур ва Франция. – Тошкент: Адолат, 1996. – 86 б.
11. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996. – 510 б.
12. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 217 б.
13. Шамсутдинов Р., Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Академнашр, 2019. – 576 б.
14. Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошқаруви. – Тошкент: Академнашр, 2017. – 245 б.
15. Зиёев Ҳ. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 284 б.
16. Вамбери Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 64 б.